




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“ФАРМАЦИЯДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ  
ЧИҚАРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ  
(ХАЛҚАРО ИШТИРОҚДА) МАТЕРИАЛЛАРИ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ  
КОНФЕРЕНЦИИ (С МЕЖДУНАРОДНЫМ УЧАСТИЕМ)**

**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ И  
ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ»**



**Тошкент - 2016**



**Результаты:** В дозировке 100 мкг/мл образцы эфирных масел *Artemisia Serotina* и *Artemisia Lercheana* и 20 мкг/мл *Artemisia santolinifolia* обладают острой токсичностью; в дозировке 10 мкг/мл образцы не обладают цитотоксической активностью.

**Вывод:** Таким образом, эфирные масла *Artemisia Serotina* и *Artemisia Lercheana* обладают выраженной цитотоксической активностью и могут быть рекомендованы для дальнейшего изучения фармакологической активности.

**Литература:** 1. J. Reiss, *Zbl. Bakt. Hyg. I. Abt. Orig.*, В 155, 531-534 (1972).

2. Z. Durackova, V. Betina, B. Hornikova, P. Nemes, *Zbl. Bakt. Abt. II*, 32, 294-299 (1977).

**Асатов С.И., Убайдуллаева Х.А., Файзиева З.Т.**

### **ГЕРБАПОЛ ТАБЛЕТКАСИНИНГ ФАРМАКО - ТОКСИКОЛОГИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

E-mail: Ubaydullaeva1982.@mail.ru

**Ишнинг мақсади:** кушторон (*Poligonum avicularre* L) ва тубулға баргли бўймардон (*Acillea filipenolu lineae* L) ўсимликлари, улардан олинган турли Гален препаратлар халқ табобатида кенг қўлланилиб келинмоқда. Кушторон ва тубулғабаргли бўймардон ўсимликлари препаратлари кучли яллиғланишга қарши, қон тўхтатувчи, яраларни битирувчи таъсирларга эга бўлиб, у жигар, буйрак ва пешоб йўли ва ошқозон – ичак хасталикларини даволашда кенг қўлланилади. Ҳозирги кунда диуретик препаратлар юрак етишмовчилиги, атеросклероз, артериал гипертония ва бошқа касалликларда, юрак қон – томир касалликларида бериладиган препаратлар билан бирга узок муддат давомида берилди. Шуни ҳисобга олган ҳолда Кушторон (*Poligonum avicularre* L) ва тубулға баргли бўймардон (*Acillea filipenolu lineae* L.) ўсимликларидан (2:1) олинган қуруқ экстракт асосида олинган гербапол таблеткасининг фармако токсикологик хусусиятларидан кумулятив ва аллергик таъсирлари лаборатория шароитида ўрганилди.

**Усуллар:** гербапол таблеткасининг кумулятив таъсири 20 та массаси 145-176 граммли лаборатория каламушларида ўрганилди. Ҳайвонлар 10 тадан 2 та гуруҳга бўлиб чиқилди.

1-чи гуруҳ ҳайвонлари назорат гуруҳ бўлиб, уларга мос равишда дистилланган сув юборилди.

2-чи гуруҳ ҳайвонларни тажриба гуруҳ бўлиб, уларга 1-чи 5 кунликда 2,5 мг/кг дозаларда қуруқ экстракт эритмаси оғиз орқали юборилди. Кейинги 5 кунликларда эса таблетка дозаси 2 баробардан ошириб борилди ва бу ҳолат 20 чи кунгача ҳар 5 кунда давом эттирилди.

Шундай қилиб ҳайвонларга тажрибани 1-чи беш кунлигида 2,5 мг/кг дан препарат эритмаси юборилди, тажрибани 2-чи беш кунлигида эса 5 мг/кг дан, кейинги 3-чи ва 4-чи беш кунлигида эса мос равишда 10 мг/кг ва 20 мг/кг дозаларда ўрганилаётган препарат эритмасидан юбориб турилди. Жами 20 кун ичида тажрибадаги ҳайвонлар:  $2,5 \times 5 = 12,5$  мг/кг;  $5 \times 5 = 25$  мг/кг,  $10 \text{ мг/кг} \times 5 = 50$  мг/кг ва  $20 \text{ мг/кг} \times 5 = 100$  мг/кг миқдордаги препаратни қабул қилди. Демак, 20 кун ичида ҳайвонлар-182,5 мг/кг дозадаги препаратни қабул қилди. Препарат юборилгандан сўнг ҳайвонлар ҳолати назорат остида бўлди ва бунда асосий эътибор ҳайвонларнинг умумий ҳолатига, турли хил таъсиротларга бўлган жавоб реакциясига, овқат ва сувга нисбатан интилишига ва ҳайвонлар массасига қаратилди.

Натижада назорат ва тажриба гуруҳдаги ҳайвонларнинг массасида тажрибани 20-чи кунига бориб деярли бир хил ҳолат масса қайд қилинди. Ҳайвонларнинг шиллик қаватларида бирон-бир ўзгариш бўлмади. Нафас олиш ва овқатларга интилиш ҳам бир хил бўлди.

Гербапол таблеткасининг аллергик реакциясини аниқлашда тажриба 18 та массаси 170-235 г. ли лаборатория ҳайвонларида каламушларда ўтказилди. Анафилактик шок ҳолати Адо усули ёрдамида юзага чиқарилди. Бунинг учун ҳайвонлаога 0,5 мг/кг дозада тухум оксидан тайёрланган эритмадан (тухум оксидини физиологик эритма билан қўшилди) тери остига кун оралаб 3 маротаба юборилди. Сўнгра сенсibiliзацияни 27 кун ҳайвонларга тухум оксидини катта дозаси (1 мг/кг) уларни қорин бўшлиғига юборилди.

Тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга таблеткадан 50 мг/кг дозаларда оғиз орқали берилди. Назорат гуруҳидаги ҳайвонларга мос равишда дистилланган сув юборилди.

**Натижалар:** гербапол таблеткасининг кумулятив таъсирини каламушларда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики назорат ва тажриба гуруҳидаги ҳайвонларнинг массасида тажрибани 20-чи кунига бориб деярли бир хил ҳолат масса қайд қилинди. Ҳайвонларнинг шиллик қаватларида бирон-бир ўзгариш бўлмади. Нафас олиш ва овқатларга интилиш ҳам бир хил бўлди.

Таблетканинг аллергик реакцияси ҳайвонларда олиб борилганда назорат гуруҳидаги ҳайвонларга тажрибани 21 кун тухум оксиди юборилгач аллергик реакцияни маълум симптомлари: нафас олиш ҳаракати тезлашди, скелет мушакларини тонуси бўшашди, ҳаракати бузилди ва ҳайвонлар ҳолатида безовталиқ белгилари юзага чиқди. Препаратни олган ҳайвонлар гуруҳида кўрсатилган симптомлар деярли қайд этилмади.

**Хулосалар:** Демак, гербапол таблеткасининг фармако токсикологик хоссалари яъни кумулятив таъсири ва аллергик реакциялари лаборатория каламушларида ўрганилди. Олинган натижалардан шундай хулосага келиндикки, таблетка кумулятив таъсирдан холи экан. Шунингдек таблетка аллергик реакцияларни юзага чиқармади.

**Адабиётлар:** 1. Асатов С.И., Убайдуллаева Х.А., Турсунова М. Кушторон ва тубулға баргли бўймадорон ўсимликлари куруқ экстрактининг таблетка таркиби ва технологияси. // Фармацевтик журнал - Тошкент, 2013. - №3. - Б.55-58.

2. Убайдуллаева Х.А., Асатов С.И., Алиев Х.У., Кушторон ва тубулға баргли бўймадорон ўсимликлари биофаол моддалари асосида қаттиқ дори шаклининг биологик фаоллигини аниқлаш // Инфекция, Иммуниетет ва Фармакология, - Тошкент, 2014, - №4. - Б.133-137.

3. Хабриев Р.У., Руководство по экспериментальному (доклиническому) изучению новых фармакологических веществ. // Москва, -2005, С-832.

**Abzalov A.A., Fayzullaeva Z.R.**

## **(CYNARA SCOLYMUS L.) TIKANLI ARTISHOKDAN EKOLOGIK TOZA MAXSULOT OLISH VA ATROF MUXIT TOZALIGINI SAQLASHDA MA'DAN OZIQLANISHNING ROLI**

Toshkent farmatsevtika instituti, Toshkent sh., O'zbekiston Respublikasi

E-mail: pharmi@pharmi.uz

Keyingi yillardagi tadqiqotchilarning ko'rsatishlaricha, qishloq xo'jalik va dorivor o'simliklar yetishtirishda ma'dan o'g'itlar va o'simliklarni ximoyalashning kimyoviy vositalarini intensiv ishlatilishi, shuningdek, tuproqni qayta ishlashning turli sistemalari mikrobiologik jarayonlar xamda oziqa elementlarining aylanishini tezlashtirar ekan. Bu gumusli moddalarning adsorbent toksik birikmalar va tuproq qatuvshuvchi mineral oziq elementlar sifatida ximoya funksiyasining pasayishiga olibkelib, dorivor o'simliklar xosildorligi oshishini cheklovchi va mineral o'g'itlar. ayniqsa azot samaradorligini pasaytiruvchi omil bo'lib qoldi. O'simliklarda azotli o'g'itlar foydali ta'sirining ko'ffisientini oshirish va uning ishlatilmasdan qolishini kamaytirish uslublaridan biri sekin ta'sir etuvchi azotli o'g'itlarni qo'llash muxim amaliy axamiyat kasb etadi.

**Ishning maqsadi:** tadqiqotlarimizda tikanli artishok tomonidan mochevina va karbamid formaldegidli o'g'itlarining azotini o'zlashtirilishi, ularning tuproqda aylanishi, axamiyati, atrof muhitni ifloslantirishini kamaytirish va ekologik toza mahsulotlar olish yo'llarini o'rganishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'ydik.

Tadqiqot uslubi va materiallari: O'zbekiston Respublikasining Toshkent viloyatining tipik sho'rlanmagan, bo'z tuproqlari va Navoiy viloyatining o'rtacha sho'rlangan och tusli bo'z tuproqlarida mochevina va karbamid formaldegid o'g'itlarining (KFO') qo'llanilish samaradorligini o'rganish maqsadida vegetatsion va dala tajribalari o'tkazildi. Vegetatsion tajribalar uchun tuproq dala tajribalaridan olindi.

**Natijalar:** o'tkazgan tadqiqotlarimiz natijalarini ko'rsatishicha tuproqdagi nitratlar va ammiak azotining miqdori qo'llanilayotgan azotli o'g'itlarning shakliga bog'liq bo'lar ekan. Tadqiqotlarimiz natijalariga ko'ra, tuproqdagi nitratlarning miqdoriularni aniqlashning barcha muddatlarida

